

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 29-мартан 2- апрелгача)

№32

Тошкент – 2016

ИСЛОМ КАРИМОВ ОҚСАРОЙДА ШТАЙНМАЙЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон республикаси президенти Ислон Каримов 30 март куни Оқсаройда Германия федератив республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

Ислон Каримов меҳмонни самимий қутлаб, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорлик бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ва доимий алоқаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари Штайнмайернинг 2 кунлик сафар давомида Самарқандга бориш учун вақт ажратиши ва бу тарихий шаҳар билан яқиндан танишиши мумкинлигига умид билдирган. Ўзбекистонда Германияни Европадаги йирик интеллектуал, иқтисодий, техник ва технологик салоҳиятга эга, халқаро майдонда нуфузли, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи давлатлардан бири сифатида билади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда барқарор ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда 130 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва барча даражадаги муносабатлар учун ишончли механизм мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси инвестицияси иштирокида 113 корхона, шундан 27 таси тўла Германия капитали асосида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёга машҳур немис компаниялари Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. “MAN” концерни билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида замонавий завод барпо этилган. Корхонада турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу автомобилларга хорижда ҳам талаб юқори. Германия саноатининг яна бир етакчиси – “CLAAS” концерни билан ташкил этилган қўшма корхонада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгашининг иккита мажлиси ўтгани савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Ушбу мажлислар доирасида Германиядан 2,85 миллиард долларлик технологиялар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган.

Учрашувда Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ГФР ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Германия раҳбарияти ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 1 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидланганидек, Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларни ва Марказий банкнинг аввалги ҳисоботлари яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилди.

ЯДРО СИНОВЛАРИ ТўХТАТИЛГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

Қозоғистон раҳбари ядросиз минтақани яратиш ҳақидаги келишувни имзолаган давлатлар – Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарларини Семипалатинск ядровий полигонининг ёпилишига 25 йил тўлгани муносабати билан уюштирилган маросимга таклиф этди.

Марказий Осиёда ядросиз минтақа ташкил қилиш ғояси Ўзбекистон президенти Ислом Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган.

Нурсултон Назарбоев саммит иштирокчилари эътиборини айнан 25 йил аввал шу полигоннинг ёпилганидан сўнг Американинг Невада штати ва ХХР да синовларга чек қўйилганига қаратди. Ундан ташқари Қозоғистон Европа Иттифоқи ҳамда Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан биргаликда конференция ўтказиш таклифи билан чиқди ҳамда собиқ Семипалатинск ядровий

полигони ҳудудида ер ва сув дезактивациясида тизимли халқаро ёрдамнинг кенгайтирилиши масаласини қўйди. Президент Нурсултон Назарбоев Вашингтондаги Ядровий хавфсизлик бўйича ўтказилган биринчи сессиясида иштирок этди. Давлат раҳбари шунингдек бу оддий масала эмаслигини таъкидлади, бунга Фарбада Евроосиё иқтисодий иттифоқи бирламчи қабул қилинмаслигинини сабаб қилиб кўрсатди. Шу билан бирга давлат раҳбари бугунги кунда террористларнинг оммавий қирғин қуролларидан бемалол фойдаланаётганликларини ва бу дунё мамлакатлари раҳбарларидан аниқ қарорлар қабул қилинишини талаб этишини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕКСТИЛ САНОАТИ БИЛАН ТАНИШУВ

АҚШ Меҳнат вазири ёрдамчиси ўринбосари Эрик Бил раҳбарлигидаги делегация, Ўзбекистонга сафари доирасида, 2016 йил 31 март куни Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Евротекс Глобал” текстил комбинатига ташриф буюрди. Меҳмонлар, корхонанинг фаолияти билан танишиб, меҳнат шароитлари ва кадрлар тизимида ҳужжатлар юритилиши билан қизиқдилар. АҚШ Меҳнат вазирлиги вакиллари, комбинатдаги иш тартиби ва ортиқча иш соатларининг мавжудлиги ҳамда меҳнат муҳофазасига доир масалаларга эътибор қаратганлар. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ушбу корхонада 2500 киши меҳнат қилади, аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб юқорилиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтирилиши сабабли, ишчилар сонини ошириш режалаштирилган. Корхонанинг малакали кадрларга бўлган талабини қондириш мақсадида, “Евротекс Глобал” билан Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи ўртасида, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузилган. АҚШлик меҳмонлар, корхонада юқори малакали ходимлар фаолият юритаётганини эътироф этиб, компания замонавий юқоритехнологияли ускуналар билан жиҳозлангани, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид масалаларга юксак даражада риоя этилаётганини қайд этишган.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШИ 2016 ЙИЛДА 6,9 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Ташқи бозорлардаги ноқулай вазият туфайли Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсиши 2016 йилда 6,9 фоизни ташкил қилади, дейилмоқда Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) «Осиё ривожланиш шарҳи 2016” (Asian Development Outlook) деб номланувчи ҳисоботида. ОТБ 2015 йил сентябрда 2016 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7 фоизни ташкил қилишини прогноз қилганди. Ўзбекистон ҳукумати бу кўрсаткични 7,8 фоиз даражасида прогноз қилди. ОТБ экспертлари прогнозларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2017 йилда 7,3 фоизни ташкил қилади. 2015 йил

сентябрда банк бу кўрсаткич 7,2 фоизни ташкил қилишини тахмин қилганди. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланадиган давлатлардаги иқтисодий вазият ва баъзи экспорт маҳсулотларига нархларнинг пасайиши Ўзбекистон ЯИМ ўсишига таъсир кўрсатади.

«Осиё ривожланиш шарҳи» ва «Осиё ривожланишининг янгиланган шарҳи» – ОТБнинг асосий иқтисодий нашрлари бўлиб, улар ўзида Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари иқтисодиётлари таҳлили ва улар учун прогнозларни акс эттиради.

ЗАРУР АДАБИЁТЛАР УЧУН 10 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛДИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларда китобхонликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1139 та ахборот-ресурс маркази мавжуд бўлиб, шундан, 211 таси, вилоят, туман (шаҳар) АРМлари, ҳисобланади. 8648 та умумтаълим мактаблари кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда. АРМ ва умумтаълим мактаблари кутубхоналарининг китоб фондини 23 064 415 дона ташкил этмоқда. 2015 йилда республика бўйича 3,2 млрд сўм китоб сотиб олишга ажратилган. 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури доирасида 10 млрд умумтаълим мактабларини лотин графикасидаги бадиий адабиётлар билан бойитиш учун ажратилди. 237 087 дона китобларнинг электрон нусхалари яратилиб, uzedu.uz, eduportal.uz, kitob.uz сайтларига жойлаштирилди.

АБДУЛАЗИЗ КОМИЛОВ ШТАЙНМАЙЕР БИЛАН УЧРАШДИ

30 март куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов икки кунлик расмий ташриф билан келган Германия Федератив Республикаси Федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЙХХТ) амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашди. Ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликнинг турли жиҳатларини муҳокама қилишди ҳамда минтақавий ва халқаро сиёсатга оид айрим муаммолар юзасидан фикр алмашишди. Мулоқот давомида айтилган пайтда Германия раислигидаги ЙХХТ кун тартибининг долзарб масалаларига, шунингдек Ўзбекистон ва Германиянинг ушбу ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда Германия элчиси Наитхарт Хёфер-Виссинг қатнашди.

ХИТОЙ ЭЛЧИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

2016 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Хитой Халқ Республикасининг фавқулдда ва мухтор элчиси Сун Лижиэ билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувнинг асосий мавзуси Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги доирасидаги келгуси тадбирларда Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро ҳамкорлик масалалари бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСРОИЛ ЎРТАСИДА СИЁСИЙ МАСЛАХАТЛАШУВ

2016 йилнинг 30 март, чоршанба куни Ўзбекистон Республикаси ва Исроил Давлати ташқи ишлари вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўртинчи раунди бўлиб ўтди. Учрашувда томонлар турли йўналишлардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ва инвестицион, маъданий-гуманитар ҳамкорликни атрофлича муҳокама қилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Исроил делегациясига ТИВ бош директорининг биринчи ўринбосари Жереми Иссахаров раҳбарлик қилди. Маслаҳатлашувларда Исроил элчиси Кармела Шамир иштирок этди.

75,9 МИЛЛИАРД СЎМ ДАВЛАТ ФОЙДАСИГА УНДИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг 90 та муассасасида 30 та назорат йўналиши бўйича назорат тадбирлари ўтказилди. Назорат тадбирлари яқунларига кўра текширилган вазирликлар ва идоралар манзилига Ҳисоб палатасининг 28 та кўрсатмаси юборилди. Ҳисобот даврида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 75,9 миллиард сўм давлат фойдасига ундирилди.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мамлакатимиз Конституциясида белгиланган «прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги»ни таъминлаш ва рўёбга чиқаришда Бош прокуратура ва унинг маҳаллий органлари фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирли механизмини йўлга

қўйиш зарур. Қарорда Комиссия аъзолари сенаторлар орасидан уларнинг ваколатлари муддатига республиканинг барча минтақаларидан вакил бўлган ўн беш кишилик таркибда Сенат томонидан сайланиши белгиланган. Шу муносабат билан батафсил ва ҳар томонлама муҳокамадан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси таркибини тuzдилар ва тасдиқладилар.

ЙЎЛ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

28 март куни Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари ва кўприклар қурилиши, баъзи йўналишлардаги трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши билан боғлиқ матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов Жаҳонгирович ҳам иштирок этди. Ҳокимнинг тан олишича, таъмирталаб ва ҳаракатланиш ноқулай бўлган йўллар талайгина. Амалга оширилиши бошланган бу улкан лойиҳа натижасида йўлларда сезиларли қулайликлар яратилади. Далил сифатида, ҳоким йўллар таъминоти бўйича охири беш йил ичида сарфланган маблағ миқдоридagi сумма яқин бир йил ичида йўлларни яхшилашга сарфланади.

«Тошкент шаҳрида ҳар йилги режа асосида 30-40та маҳаллани буткул таъмирлаб чиқяпмиз. 2011 йилдан буён “Намунавий маҳалла” дастури йўлга қўйилганда ишни йўлакларни таъмирлашдан бошлаган эдик. Кейин эса сув қувурларини таъмирладик. Мана, 3-4 йилдирки, ҳар бир маҳаллада болалар майдончаларини қуришга бел боғланган. Тошкент аҳолисининг олдидаги энг катта қарзимиз – бу асфальт масаласи. Ўтган йили 32 та маҳалла асфальтланган бўлса, бу йил 50 та маҳаллани асфальт қилишни режалаштирганмиз. Бу сон йил сайин ошиб бораверади», дейди ҳоким.

ТЎРТ ЖАНГДА ТЎРТТА ОЛТИН

Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилаётган бокс бўйича Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасининг дастлабки кунги финал баҳсларида тўрт боксчимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Ҳасанбой Дўсматов филиппинлик Роген Ладонни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. 52 килограммгача оғирликдаги чарм кўлқоп усталари ўртасида Шаҳобиддин Зоиров хитойлик Жиангуан Ху устидан ғалаба қозонди. Вазни 69 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги финал беллашувида Шахрам Ғиёсов таиландлик Саилом Ардига ҳеч қандай имконият қолдирмади. 81 килограммгача вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида қатнашган тажрибали

спортчимиз Элшод Расулов ҳал қилувчи баҳсда қозоғистонлик Адилбек Ниязимбетовни енгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЭКВОНДОЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

26 мартдан 30 мартгача Олмаотада таэквондо бўйича 8-Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик спортчи Бехруз Саидов 85 кг вазн тоифасида барча рақибларини ютиб, Осиё чемпиони бўлди. Туллар (асосий ҳужум ва ҳимояланиш ҳаракатларидан ташкил топган мажмуа) бўйича Лазизхон Ғуломов, Шахзодбек Мустафоев, Олег Шегай, Игорь Ким, Заргуна Ахрорқулова бронза медалларини қўлга киритишди. Спорт тадбирида 12 та давлатдан 600 спортчи иштирок этди.

ЯДРОВИЙ ТЕРРОРИЗМНИ ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ХАВФ

Вашингтонда 31 март 1 апрель кунлари бўлиб ўтган ядровий хавфсизлик борасидаги тўртинчи саммит якунида қабул қилинган баёнотда, ядровий терроризм дунёдаги энг асосий хавф дея баҳоланди. АҚШ президенти Барак Обама, ядровий қуролнинг ДАИШ террорчи гуруҳи қўлига тушиб қолиши халқаро инқирозга олиб келиши билан огоҳлантирди. Обама “бирор атом бомбаси ёки ядровий материал бу жиннилар қўлига тушиб қолгудай бўлса, улар қанча лозим бўлса шунча бегуноҳ инсонларни ўлдириш мақсадида фойдаланиши эҳтимолдан холи эмас” дея фикр билдирган. Якуний баёнотда ядровий ва бошқа радиактив материалларнинг нодавлат тизимлар қўлига тушиб қолишини олдини олиш учун яна кўплаб ишлар амалга оширилиши лозимлиги таъкидланади. Бунинг учун халқаро миқёсда ўзаро маълумот алмашишни кенг йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди. Шунингдек, баёнотда мамлакатларнинг тинчлик мақсадида ядровий дастурларни ривожлантириш ҳуқуқига эгаллиги ва буни фақат қатъий тартибда олиб бориши мумкинлиги айтилди. Ўтган тўртинчи саммит бу сўнгиси эканлиги ва халқаро ядровий хавфсизлик бўйича масъулиятни МАГАТЭ ўз зиммасида давом эттириши таъкидланади.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР БОШЛАНДИ

2 апрелга ўтар кечаси Тоғли Қорабоғда Озарбойжон-Арманистон низоси яна янгиланди. Икки томон ўртасидаги низоларга сабаб бўладиган Тоғли Қорабоғ ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар бошланган. Икки томонда ҳам қурбонлар бор. Қорабоғ можароси, аҳолисининг асосий қисми

арманлардан ташкил топган Тоғли Қорабоғ 1988 йилда Озарбайжон таркибидан чиқишини эълон қилгач бошланган. 1994 йил май ойида сулҳ тузиш ҳақидаги келишувлар кучга кирди. Ҳудудлар чегарасида доимий равишда беқарор вазият сақланиб келади.

Ўзбекистон Қорабоғни Озарбойжоннинг таркибида деб билади ва бу масала халқаро ҳуқуқ талаблари асосида ҳал қилиниши керак, деб келади.

Россия президенти Владимир Путин Тоғли Қорабоғ ҳудудида низолар янгилангани ҳақидаги хабарлардан ташвишда эканини билдирди. У томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва вазминлик кўрсатишга чақирди. Айни пайтда Арманистон президентига Тоғли Қорабоғ ҳудудидаги вазият ҳақида маълумот етказилгани айтилган. Бундан олдинроқ, Россия ТИВ вакили Мария Захарова Россия томони Тоғли Қорабоғ ҳудудидаги вазият синчковлик билан кузатиб борилаётгани ҳақида айтиб ўтганди.

Озарбайжон президенти Илҳом Алиев 1 апрель куни Вашингтонда АҚШ бош қотибининг ўринбосари Томас Шеннон билан учрашди. Учрашувда Озарбайжон ва АҚШ ўртасидаги алоқаларнинг турли соҳалардаги муваффақиятли ривожига таъкидланди. Озарбайжон президенти АҚШга қилган сафари яқунлари билан ўртоқлашар экан, ундан ўзининг қониқиш ҳосил қилганлигини ва ташриф муваффақиятли кечганини билдирди. АҚШ бош қотибининг ўринбосари Томас Шеннон давлат раҳбари билан кечган учрашувни қизиқиш билан кузатганини маълум қилди. У АҚШ Озарбайжон билан муносабатларининг ривожига муҳим аҳамият қаратишини айтди, шунингдек икки томоннинг барча соҳалардаги алоқалари бундан буён ҳам тараққий этишига умид билдирди. Суҳбат чоғида арман-озарбайжон, Тоғли Қорабоғ можаролари ҳамда энергетика, иқтисодиёт ва савдо-сотиқ соҳаларига доир фикрлар алмашилди.

АҚШ Давлат қотиби Жон Керри тан олинмаган Тоғли Қорабоғдаги тинчлик тартиби бузилишини қоралади ва бу муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлинмаслигини таъкидлади. «Биз барча томонларни вазминлик намойиш қилишга ва тинчлик сулҳига қаттиқ амал қилишга чақирамиз... Биз яна бир такрорлаймиз, ихтилофнинг ҳарбий ечими йўқ. Қорабоғ муаммосини тартибга солиш бўйича ЕХХТ Минск гуруҳига раислик қилувчи давлатларидан бири сифатида АҚШ мустаҳкам ва баҳамжиҳат тинчликка эришиш учун томонлар билан ишлаш тарафдори», деб айтди Керри.

Озарбайжон томони Қорабоғ тоғли ҳудудида юзага келган ҳарбий ҳаракатларни бир томонлама тўхтатиш қарорига келди. Бу ҳақда Озарбайжон мудофаа вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Вагиф Дяргахли маълум қилган.

«Тинчликпарварлик ҳамда халқаро ташкилотларнинг таклифини инобатга олган ҳолда Озарбайжон ҳукумати ҳарбий ҳаракатларни бир томонлама тўхтатишга қарор қилади ва яқин вақт ичида ҳудудни тарк этади»,— деди у. Унинг сўзларига кўра, “агар Арманистон томони ҳарбий ҳаракатларни тўхтатмай, ўз билганидан қолмаса, унда Озарбайжоннинг жавоби ўта қаттиқ бўлади”.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ЁДГОРЛИККА АЙЛАНТИРИЛДИ

Япониянинг Мияги префектурасидаги Исиномаки шаҳрида жойлашган Окава бошланғич мактаби ёдгорликка айлантирилди. Бу борада шаҳар маъмурияти қарор қабул қилди. Бу ҳақда шаҳар мэри Хироси Камэяма баёнот берди. Марҳумларнинг қариндошлари мактаб биносини бузиб ташланишини талаб қилаётган бўлишига қарамай, шаҳар аҳолиси мазкур қарорни қўллаб-қувватлади. 2011 йил 11 март куни юз берган zilзила ва цунами оқибатида мазкур мактабнинг 70 нафар ўқувчиси ва 14 нафар ўқитувчиси халок бўлган эди.

АҚШ УКРАИНАДАГИ МОЖАРОГА БАРҲАМ БЕРИШИ МУМКИН

Беларусь президенти Александр Лукашенокнинг ишонч билдиришича, АҚШ маъмурияти Украинадаги зиддиятга чек қўйиши мумкин. Лукашенко 30 март куни АҚШ мудофаа вазири ёрдамчисининг ўринбосари Майкл Карпенер билан ўтказган учрашувида шундай фикрни билдирган. «АҚШ Украина шарқидаги уруш тўхташини хоҳласа, эртанинг ўзида шу мақсадда бир неча қадам қўяди, қарабсизки, жанговар амалиётлар барҳам топиб турибди»,— деган Лукашенко. Унинг айтишича, «норманд тўртлиги»нинг Минскдаги саммитидан аввалроқ, у музокараларга АҚШни ҳам жалб этиш лозимлигини билдирган. Беларусь раҳбари шунингдек, бугунги кунда шарқий Европада хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифалардан бири эканини таъкидлаб, «бу соҳада Америка иштирокисиз ютуққа эришиш мумкин эмас» деган фикрни илгари сурган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ХАЛҚИ ОЧЛИККА ТАЙЁР ТУРИШГА ЧАҚИРИЛДИ

Шимолий Корея халки яна бир бор очликни қарши олишга тайёрланмоқда. Илгари, аниқроғи, 1990 йилда КХДРда тўрт йиллик очлик кузатилган эди. Бу ҳақда Корея Меҳнат партияси нашри бўлмиш “Нодон синмун” газетаси маълумотига асосланиб, The Telegraph хабар бермоқда. “Инқилоб йўли узоқ ва машаққатли бўлади,— дейилади мақолада.— Биз балки, ўтган сафарникидек, очликка йўлиқиб, ўсимликлар томири билан озиқланишимизга тўғри келар”. “Агар бизга ҳаёт билан видолашув тўғри келса ҳам, умримиз сўнгига қадар раҳнамоимиз Ким Чен Инга содиқ қоламиз”,— деб ёзади нашр. Газетада чиққан мақолада Ғарб мамлакатларининг КХДРга нисбатан қўллаган янги санкциялари ҳақида гап боради. Март ойида АҚШ президенти Барак Обама томонидан КХДРга қўйилган янги чекловларга мувофиқ АҚШнинг бирорта компанияси Шимолий Корея билан савдо-сотиқ, молия, транспорт, тоғ-кончилик саноати ва энергетика соҳасида ҳамкорлик қилмайди. Бундан ташқари, 2 мартдан бошлаб БМТ Хавфсизлик Кенгашининг янги санкциялари ҳам ушбу мамлакатга қарши қўлланилди. Унда Шимолий Кореяга борадиган ва ундан келаётган юк машиналари мажбурий текширувдан ўтказилиши, ўқотар курул сотиш ва ташишнинг тақиқлови кабилар жой олган.

НАЗАРБОВ РОССИЯГА ҚАРШИ САНКЦИЯЛАРНИ ТЕЗРОҚ БЕКОР ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбов Брюсселга уюштирган ишчи ташрифи чоғида Европа кенгаши раиси Дональд Туск билан учрашди. Назарбов мулоқот чоғида ЕИнинг Россияга қарши санкцияларини бекор қилиш масаласини ижобий ҳал этиш зарурлигига урғу берган. «Биз минтақадаги сиёсат, хусусан Украина муаммоси ва кучли салбий таъсир кўрсатаётган Россияга қарши санкциялар борасида фикр алмашиб, Европа ҳамда Россия учун ҳам ва албатта санкциялар таъсиридан азият чекаётган Қозоғистон учун ҳам фойдали шартларда зиддиятга барҳам бериш учун ҳамкорлик қилишга келишиб олдик», — деган Назарбов Жан Клод Юнкер билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг. Бундан ташқари, Назарбов Остонада халқаро молия марказини ташкил этишда Европа иштирок этишига умид билдирган. «Европа бизнинг ислохотларимиз, сармоя ва саноатлаштириш сиёсатимизни қўллаб қувватлашини хоҳлаймиз. Мен уларни ЭКСПО-2017 халқаро кўргазмасига таклиф этиб, шундан сўнг Остонада халқаро молия марказини ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлашга чақирдим», — деб айтган Қозоғистон раҳбари.